КОРЕЯ КАШКАДАРЁ ПИЛЛАСИДАН ОЛАДИ

Қашқадарё 1770 тоннадан зиёд "кумуш тола" тайёрлаб, йиллик режани бажарди. Ҳар кути қурт уруғидан Касби туманида 66, 9, Қарши туманида 58,3 килограммдан ҳосил олинди. Вилоятда жами ҳосилни 2 минг тоннадан ошириш мўлжалланмоқда.

Вилоят пиллачилик кенгашидан маълум қилишларича, бу йил 10 минг кути Жанубий Корея қурт уруғи синовдан ўтди. Жанубий Корея қурт уруғи пилласи ҳосили шартномага кўра дўст мамлакатга жўнатилади.

Юнус УЗОҚОВ.

"ЎзДЭУавто"да иш қизғин

Йигув цехининг таъмирлаш участкаси устаси Тўлқин Шоқиров.

Ҳ. АРАББОЕВ олган сурат.

ИККИ АСР ЯШАГАН ТАБИБ

Денов туманида яшовчи Абдумели бобо Раҳмонов 119 ёшдалар. У кишини "Табиб бобо" деб ҳурмат қилишади. Табиб бобо юз йилдирки бепуштлик, шамоллаш, бел ва оёқ оғриғи, бош оғриғи, сариқ хасталиги ва бошқа бир қанча касалликлар билан оғриган беморларни даволамоқдалар. Икки асрнинг гувоҳи бўлган отахоннинг орзуси битта: ўз ҳаётида учинчи — яъни XXI асрни кўришдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

НУКУС МАКАРОНИ

"Нукус-нон" ҳиссадорлик жамиятига қарашли макарон корхонасида макарон маҳсулотлари тайёрлаш технологияси ўзлаштирилди.

Бу ерда бир иш кунида 9-9,5 тонна макарон ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган беш ойда эса 566 тоннадан кўпроқ макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА



Минораи Калон.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

"ТЕРМИНОЛ - ЭКСПРЕСС" УРГАНЧГА КЕЛДИ

Урганч темир йўл вокзали чипта сотиш кассаларига "Терминол— экспресс" аппарати ўрнатилди. Бу қулайлик туфайли йўловчилар ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютадилар.

Шу йилнинг ўзидаёқ Хоразмдан яна икки йўналишда поездлар қатнай бошлади. Эндиликда йўловчилар МДҲ давлатларига бориб-келиш имконига эга бўлишди.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 10 июнь, сешанба № 67 (22.151).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

СУРХОНДАРЁ ЁҒОЧЛАРИ

Калифорния терагини Сурхондарёда биринчилардан бўлиб эккан одам — Омон Бекмуродовдир. У барпо қилган теракзор ёғоч берди. Шўрчи туманидаги Алихон Сафаров номли жамоа хўжалиги шу теракзордан 400 куб метр ёғоч сотди. Яна иккиуч йилдан сўнг теракзор минг куб метрдан зиёд «ҳосил» беради.

Олимжон УСАНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан россияликлар ва ўз номимдан Сизга ҳамда дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Бу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши мустақил тараққиёт ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлига кирган суверен Россия ва Ўзбекистон ҳаётида янги саҳифа очди.

Шартнома имзоланганидан кейин ўтган вақт Россия билан Ўзбекистон ўртасида янги тарихий шароитда муносабатларни йўлга қўйиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар, давлатларимиз ва халқларимиз манфаатлари ва орзу-умидларини чуқур англаб, идрок этиш даври бўлди.

Шартнома бизнинг минтақавий ва халқаро даражаларда, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги қадамларимизни мувофиқлаштиришга сезиларли даражада имкон берди.

Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ниҳоятда масъул фаолиятингизда янги муваффақиятлар ҳамда дўст Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Борис ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

Москва шаҳри,
Кремль,
1997 йил 24 май.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БОРИС ЕЛЬЦИН ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Борис Николаевич!

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг 5 йиллиги муносабати билан юборган табригингиз учун самимий миннатдорлик билдиришимга ижозат бергайсиз.

Бу муҳим ҳужжат янги тарихий шароитда давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга сифат жиҳатидан янги туртки бўлгани ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан.

Ўзбекистон билан Россия кенг ўзаро манфаатлар майдонига ҳамда узоқ муддатли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик учун зарур бўлган улкан салоҳиятга эга. Лозим даражадаги сиёсий иродага эга эканмиз, биз ўзаро икки томонлама муносабатларимизни мамлакатларимиз халқлари манфаатларига жавоб бера оладиган янада юксак даражага кўтара олишимизга ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга, муҳтарам Борис Николаевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бардамлик, Россиянинг дўст халқига эса, тинчлик ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 май.

КЕЛАЖАКНИНГ БУГУНГИ ЮМУШЛАРИ

Давлат таълим стандартлари (ДТС)нинг жорий этилиши кадрлар тайёрлашнинг барқарорлигини таъминлайди

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг 5 июнда бўлган йиғилишида келажагимиз тақдири билан боғлиқ ўта муҳим масалалар жиддий муҳокама қилинди. Мажлисда юртбошимиз куюнчаклик билан таъкидлаганларидек, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда, лекин республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда. Айни пайтда амалда бўлган ўн бир йиллик таълим тизими замонавий таълим-тарбия талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тайёрлашни тезлатиш лозим.

Ана шундай улуғвор режани амалга оширишда Давлат таълим стандартлари (ДТС)бошланғич асос бўлиб хизмат қилади. Мажлисда юртбошимиз худди шундай мезонлар бизда амал қилмаётганини таассуф билан таъкидладилар: «Бизда ўқув жараёнининг босқичлари илмий асосланганми, ўқувчи биринчи синфда нималарни, бешинчи синфда нималарни билиши керак?» Худди шунингдек, олий ўқув юртини битириб, мутахассисликни олган ёш кадрнинг ишлаб чиқаришга, мустақил ҳаётга яроқли-яроқсизлигини қандай билиш мумкин? Ҳолбуки, «бу илм даргоҳларини битириб чиққан мутахассислар замонавий стандартларга жавоб бериши бугунги кун талабидир».

Хўш, ДТС нима? Аввало, стандартлар хусусида. Инглизчадан олинган бу сўз ўхшаш нарсаларни таққослаш учун асос қилиб олинадиган намуна, эталон, модель тушунчасини билдиради. Масалан, ўлчов бирликлари — метр ёки килограммнинг дунё бўйича ягона, ўзгармас нусхалари мавжуд ва шунга амал қилинади. Таълим-тарбия тизимида ҳам худди шундай стандартлардан фойдаланилади. Масалан, боғчага қатнайдиган 4 ёшли фарзандингизнинг қобилиятини логарифмик тенгламалар ёки ёруглик ҳодисаларини қанчалик ўзлаштирганига қараб эмас, балки нечта сўзни билиши, оғзаки ҳисоблаши ва бошқа ёши, қобилияти — табиий ҳолатига мос топшириқлар билан аниқлайсиз. ДТС да ана шу ўлчовларнинг энг оз (минимал) даражаси белгилаб қўйилади. Худди шу усул билан боғча тарбияланувчиси, мактаб битирувчиси, олий маълумотли мутахассисга қўйиладиган талаблар маълум бўлади.

Тўғрисини айтганда, «стандарт» терминининг таълимга нисбатан қўлланаётганига кўп бўлган эмас. Таълим стандартларининг халқаро классификацияси 1975 йилги таълим бўйича халқаро конференцияда қабул қилинган. 1978 йил 27 ноябрь куни ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси XX сессиясида қайта кўриб чиқиб тасдиқланган. Ўтган қисқа вақт давомида дунёнинг илғор мамлакатлари бу борада маълум тажриба тўпладилар, аксарият давлатларда ДТС ни қабул қилиш ва шу асосда таълим-тарбияни янгича изга кўчириш жараёни кечмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бевосита ЮНЕСКО шафеълиги ва кузатувида амалга оширилаётир. Бироқ таҳлил ва ёндашувлар бир қадар умумий бўлгани ҳолда таълим амалиётига стандартлар киритилишига турли сабаб ва мақсадлар билан ёндашув, ҳужжатларнинг ўзида ҳам шакл ва мазмун жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилувчи ҳолатлар мавжуд. Баъзи мамлакатларда стандарт деганда таълим мақсадларининг муфассал талқини тушунилса, бошқаларида ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини аниқлаш ва баҳолаш тизими, шунингдек, уларнинг шахсий хислатларини текшириш ва бу хислатларни таълим олувчиларнинг қизиқишлари, касбга муносабатлари, интилишлари ва ҳаётий режалари билан солиштириш тушунилади. Кўриниб

Истиқбол мактаби

турибдики, бу ўринда таълим бош мақсадидан келиб чиқилганда, биринчи даражали вазифалар билан унга эришишга хизмат қилувчи қўшимча (иккинчи, учинчи даражали) вазифаларни қориштириб юбориш кўзга ташланади. Энг муҳими таълим тизимида давлат стандарти — ўқувчи ёки талабанинг билим қўлами, уқуви, мушоҳада юритиш қобилияти ва даражаси ҳамда ижодий фикрлашини баҳолайдиган мезонлардир.

Шубҳасиз, ДТС жорий этилаётганда ана шундай ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Албатта, фарзандларимизнинг табиий иқтидори, халқимизнинг бой илмий мероси ва анъаналари мезонларнинг энг мутараққий давлатлар даражасида бўлишини кафолатлайди.

Аслида бундай ҳаракатлар республикамизда олдинроқ бошланган эди. Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 12 августда «Таълим ҳақидаги норматив актларни тасдиқлаш ва уларни амалга ошириш бўйича тадбирлар ҳақида» қарор қабул қилганди. Шундан кейин бир қанча ишлар амалга оширилди. Турли низомлар тасдиқланди, бир қанча комиссиялар тузилди. Фанлар бўйича асосий таълим дастурлари мазмунининг мажбурий минимумини, ўқувчиларга мўлжалланган билим қўламининг максимал ҳажмини, битирувчилар савиясига қўйиладиган талаблари белгиаб берадиган умумтаълим мактаблар учун 30 дан зиёд, ҳунар билим юртлари учун 23та ДТС лойиҳалари ишлаб чиқилди. Уларнинг айримлари тегишли равишда Тошкент шаҳридаги 216-, Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 1-, Пахтаобод туманидаги 23-, Фарғона вилояти Риштон туманидаги 14-мактабларда ҳамда Сурхондарё вилоятидаги мактабгача тарбия муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилди. Натижалар умумлаштирилди. Афсуски, кейинчалик ишлар ташлаб қўйилди. Айни пайтда юртимиздаги аксарият ўқув юртлари бундай лойиҳалар мавжудлигини, умуман шу йўналишдаги тадбирлар амалга оширилганини билишмайди. Ҳолбуки, лойиҳа муҳокамаси кенг миқёсда амалга оширилиши, унда билдирилган таклифлар изсиз кетмаслиги лозим. Айниқса, амалиётчи ўқитувчиларнинг фикрлари катта аҳамиятга эга.

Таълим тизимига кичкина ўзгариш киритиш ҳам катта кучғайрат талаб қилади, негаки, бу ислоҳот инсон, бунинг устига болалар руҳияти, қолаверса, келажагимиз билан боғлиқ. ДТСларнинг амалиётга киритилиши эса таълим-тарбияда туб ўзгаришларга олиб келади. Ҳозиргача бу жараённинг асосини дастур ва дарслик бажариб келган. Эндиликда дастлаб ДТС, кейин дастур ва дарслик яратиш мақсадга мувофиқ эканлиги аён бўлмоқда. Бу юмуш ўз-ўзидан етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб иш тутишни талаб қилиши оддий ҳақиқат. Масъулият кўлами шу қадар теран экан, бу тадбирга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим бўлади. Зеро, фарзанди боғча ёки мактабга қатнамайдиган оила бўлмаганидек, мамлакатимиз келажаги билан қизиқмайдиган фуқаро ҳам топилмайди. Имкон доирасида лойиҳалар билан кўпроқ киши танишишига эришиш, матбуот, радио-телевидениеда кенг муҳокама уюштириш фойдадан холи бўлмайди. Албатта, стандартларнинг даражаси маҳаллий шароитлари турлича бўлган республикамиз ҳудудларига нечоғлик тўғри келиши ҳақида бу ерда мунозара очиш ортиқча, бироқ бир нарсани таъкидлашни хоҳлардик: демографик ривожланиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича турли-туманлик эсда туриши лозим.

Таълим стандартларига ўтиш дунё бўйича амал қилаётган жараён экан, республикамизга бу тадбирга чет эл мутахассисларини жалб этиш, лойиҳалар юзасидан маслаҳатлашиш эҳтиёжи ҳам туғилади. Қолаверса, хориждаги яқин қўшнилар тайёрлаган ҳужжатлардан хабардорлик масаланинг баъзи жиҳатларига кўмаклашган бўларди.

ДТС ларнинг нақадар ҳаётий ва замонавийлиги таълим-тарбия тизимидаги кўплаб чалкашликларга барҳам беради. Дарс жадвалида зарурат бўлмаган фанлар мавжудлиги ёки кераксиз мавзулар ҳаддан ташқари майдалаб тушунтирилиши, болалар ортиқча топшириқлар билан ўта банд қилиб қўйилгани юзасидан эътирозлар ҳар доим бўлиб келган. Баъзан мутасадди идоралар (масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги), дейлик, 4-синф ўқувчисининг ҳафталик максимал ўқув қобилияти 26 соат деб белгиланган бўлса, маориф муассасаси 28 соатлик дарс жадвали тавсия этади. Албатта, бундай номутаносиблик ўтиладиган машғулот қанчалик зарур бўлмасин, болани чарчатиб қўяди. ДТСлар ана шундай чалкашликларга барҳам беради.

Рустам АҲЛИДДИНОВ,
республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходими.
Ҳаким САТТОРИЙ,
журналист.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 10 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,65
1 Австрия шиллинги	5,07
1 Англия фунт стерлинги	100,22
10 Бельгия франки	17,36
1 Голландия гульдени	31,79
10 Греция драхмаси	2,25
1 Дания кронаси	9,39
1 БАА дирхами	16,74
1 АҚШ доллари	61,42
1 Миср фунти	18,14
1 Ирландия фунти	91,76
1 Исландия кронаси	0,87
10 Испания песети	4,22
100 Италия лираси	3,63
1 Канада доллари	44,34
10 Хитой юани	7,41
1 Қувайт динори	203,31
100 Ливан фунти	4,00
1 Малайзия рингити	24,46
1 Германия маркаси	35,76
1 Норвегия кронаси	8,61
1 Польша злотийси	19,03
10 Португалия эскудоси	3,54
1 Сингапур доллари	43,07
1000 Туркия лираси	0,43
1 Финляндия маркаси	11,88
1 Франция франки	10,60
1 Швеция кронаси	7,89
1 Швейцария франки	42,51
1 ЭКЮ	69,31
10 Жанубий Корея вони	0,69
10 Япония иенаси	5,48
1000 Россия рубли	10,63
1 Украина гривнаси	33,04
1000 Белорусь рубли	2,29
1 Эстония кронаси	4,85
1 Латвия лати	107,94
1 Литва лити	15,36
1 Қозоғистон тенгеси	0,81
1 Қирғизистон соми	3,49

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

XXI АСРГА ҚАТЪИЙ НИГОҲ

6 июнь куни Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида хорижий давлатлар дипломатик корпуси вакиллари ва чет эллик журналистлар учун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлиснинг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг директори Миракбар Раҳмонқуловлар ушбу мавзу ва китобнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз ҳаётидаги аҳамияти, китоб муаллифи таҳлил қилаётган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари Тошкентда аккредитациядан ўтган қатор хорижий дипломатлар билан суҳбат уюштирдилар.

Доктор Иозеф Мачишек, Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Муваккат элчиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли навбатдаги илмий асарини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Китоб кенг ўқувчилар оммасига сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, халқаро ҳуқуқ ва ҳарбий сиёсат, мустақил Ўзбекистоннинг кейинги 2000-йилда барқарор ва қатъий ривожланишига доир саволларга содда ва лўнда жавоблар беради.

— Менда Марказий Осиёда асосий хавфсизлик таҳдидлари кўрсатиб берилган биринчи боб алоҳида қизиқиш уйғотди. Бу муаммолар чуқур таҳлил қилинган бўлиб, минтақада геополитик мувозанатни сақлашда, тинчликни мустаҳкам пойдеворини яратишда, ҳар бир давлатнинг ва халқнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши билан боғлиқ бўлган ички ва ташқи омилларни тушуниб етишда катта аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз асарида муаммоларни ўртага ташлаш билан чегараланибгина қолмай, иккинчи бобда уларни ҳал қилишнинг аниқ йўлларини ҳам белгилаб берган.

Китобни ўқигач, Ўзбекистоннинг буюклигини яна бир бор англаб етдим. Ҳар бир фуқаро шаксиз ўз мамалкатининг кўҳна тарихи билан фахрланиш ҳиссини, давлатнинг мустақилликка эришиши натижасида бутун дунё олдида улкан қудрат ва имкониятлар очилишини ҳис қилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бу янги асари яқин кунларда бошқа хорижий тилларга таржима қилинишига ва у фақат Ўзбекистондагина эмас, чет элларда ҳам ўқувчилар орасида катта қизиқиш уйғотишига сидқидилдан ишонаман.

Владимир Сметанин, Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Матбуотда Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг янги китоби босмадан чиққанлигини ўқибоқ дипломатларга бу китобни зудлик билан топиб келишни буюрдим. Жудаям бандлигимга қарамай, бирдан ўқиб тугатдим.

Бу авторнинг қаламига мансуб барча ижодий нарсалар менда катта қизиқиш уйғотади. Бироқ, бу сафар таҳлилнинг чуқурлиги, муаммо қўйилишининг янгича усули мен кутгандан ортиқ бўлиб чиқди. Асарни шунчаки ўқиш мумкин эмас, унинг ҳар бетини алоҳида мулоҳаза этиб ўқиш лозим. Бу эса ўйлаша мажбур этади, китобнинг аҳамияти ҳам шунда. Бу ҳақиқий ва катта олимнинг, донишманд давлат раҳбари ҳамда ўз халқи ва жаҳоннинг тақдири билан қуйиб-пишган оддий одамнинг меҳнатидир.

Муаллиф биринчи навбатда миллий давлатчиликни тиклашдаги енгил бўлмаган даврда дуч келаётган муаммолар, минтақа барқарорлигига жиддий хавф солиб турган давр юзасидан мулоҳаза юритади. Бироқ замонавий муҳитнинг аҳамияти шундаки, шунга ўхшаш жараёнлар жаҳоннинг барча нуқталаридаги бошқа давлатларда ва минтақаларда содир бўлиш билан бир қаторда кенг миқёсни қамраб олмоқда. Шу сабабли китоб кўплаб мамлакатларда ўз ўқувчисини топади.

Китобда кўтарилган масалалар, айниқса МДҲ худудидаги янги мустақил давлатлар учун муҳимдир. Ишончим комилки, китоб Украина китобхонлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотади. Ўзбекистон Президентининг асаридан бизнинг сиёсатчилар ва олимлар ўзларини қизиқтирган, қолаверса уларни қийнаётган кўплаб саволларга жавоб топадилар. Шунинг учун мамлакатим хукуматига китобни сотиб олиш ва уни украин тилига таржима қилиш юзасидан тавсиялар тайёрламоқдаман.

Умур Апайдин, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон XXI аср бўсағасида китобининг тақдимоти республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, деган фикримга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган кўпгина дипломатик корпус раҳбарлари қўшилади, деб ўйлайман.

Китоб ҳозирги замоннинг муҳим масалаларига давлатингизнинг муносабатини ва мавқеини чуқур идрок этишда ва ўрганишда муҳим имкониятлар беради. У бизга Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати масалаларини ўрганишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мен айни вақтда бу асарни чуқур ва мазмунли таҳлил қила олмаётганимдан афсусдаман, чунки у катта диққат ва эътибор билан ўқишни талаб этади. Бу китобни қисқа муддатда элчихонамизнинг барча ходимлари томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши, уларнинг ҳар бири учун фойдали бўлишига аминман.

Мен Тошкентда аккредитациядан ўтган кўплаб элчилар билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг ҳаммаси ушбу китоб ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг аввалги илмий асарлари каби ҳар бир дипломатнинг ишида ўта фойдали бўлади, деб бир овоздан таъкидладилар.

Китобнинг кўп тилларда нашр қилинишига ва хорижлик кенг ўқувчилар оммасини у билан яқиндан танишувига умид қиламан.

Набиль ал-Лаҳам, Фаластиннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатни тўлалигича қўллаб-қувватлайман. У тинчлик ва барқарорликни фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун минтақада сақлашга қаратилган. Президент И.Каримовнинг янги китоби барча Марказий Осиё давлатлари учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган кенг масалаларни қамраб олган.

Деярли олти ой давомида Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Ижобий ўзгаришларнинг натижалари сиёсатда, иқтисодда ва миллионлаб Сизнинг фуқароларингизнинг ҳаётида сезилиб турибди. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда катта нуфузга эгадир. Бу нуфуз минтақадаги тинчликни ва барқарорликни мустаҳкамлашда мамлакат раҳбариятининг улкан саъй-харакатлари орқали кучаймоқда.

Ислом Каримов хавфсизлик муаммоларига бағишланган янги асари жаҳон ҳамжамияти фаолиятининг жўшиб турган юз йиллигида асосий мазмун бўлиб қолади.

Китоб ўқувчини асосий фикрга йўналтирувчи жуда тўлиқ ва чуқур таҳлилга эга: бу муаммолар мамлакатлар ва минтақаларга бўлинмайди, улар глобал характерга эга бўлиб бутун дунё ҳамжамиятларининг умумий ҳаракатлари билангина ҳал этилади.

Бу китобнинг илмий ва сиёсий қимматини баҳолаш қийин. Турли мамлакатларнинг сиёсатшунослари, дипломатлари ва олимларининг бу китоб билан танишишлари учун уни тез орада хорижий тилларда нашр қилиш зарур деб ҳисоблайман.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

АДОЛАТ ВА ЖАҲОЛАТ

Халқ... ҳамма нарсага чидаши мумкин. Лекин билиб қўйинглар, адолатсизликка чидай олмайди!
Ислом КАРИМОВ.

• Ноҳақ қораланган одам — барча ҳалол кишиларнинг виждонига отилган тошдир.
• Биргина ноҳақ ҳукм айрим шахслар қилган кўпгина жиноятлардан кўра оғирроқ кулфат келтиради...

• Кимки айбдорни ҳимоя қилса, ўзига айб сотиб олади.
• Қонунга риоя қилмаслик ёвузликка олиб боради.

1

ОСОЙИШТАЛИККА ЭРИШИШ ОСОН КЕЧМАДИ

1989 йилнинг айни ёз палласи эди. Фарғонага хизмат сафарига боргандим. Кечқурун бир ҳамкасб дўстим уйига таклиф этди. Дастурхон атрофидаги суҳбат чоғида у ўксиниб деди:

— Қани энди осойишталик бўлса-ю, шаҳарга чиқиб, сўлим боғларни бир айланиб келсак, баҳри-дилингиз очиларди. Афсуски, кечаси кўчага чиқишга юрак бетламайди. Шаҳар жуда нотинч бўлиб қолди...

Дарвоқе, ўша даврда республикамизда, айниқса, Фарғона водийсида ҳаловат бузилганди. Ўюшган жиноятчилик худди юқумли касалликдек тез тарқалиб, қароқчилик, талончилик, ўғрилик, муштумзўрликдан одамларнинг юраги безиллаб қолганди. Мафиянинг таъсири шу қадар кучайиб бораётгандики, айримлар қонундан, милиция ходимидан кўра кўпроқ уларга итоат этишарди.

Бугунги кунга келиб худога минг қатла шукрки, Ўзбекистонимиз собиқ иттифоқ ҳудудидаги энг тинч, энг осойишта республика сифатида дунёга танилди. Бошқа кўпгина минтақаларда эса ҳукумат ўюшган қуролли жиноятчиликка бас келолмай, боши қотиб ётибди.

Юртимизда жиноятчиликка қарши кураш, эл осойишталигини таъминлаш осон кечмади, албатта. Ўша таҳликали кунларда Президентимиз бу аҳвол эртага қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бошқалардан олдин кўра-билганлигини энди ҳамма тан олаяпти. Ўюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш масаласи биринчи бўлиб Ўзбекистонда қатъий тарзда кун тартибига қўйилди. Ҳуқуқий идоралар фаолияти учун қонуний асослар яратилди.

Ўюшган жиноятчиликка қарши курашда прокуратура, ички ишлар, суд ходимларининг аксарияти ўз бурчларига садоқат ва довюраклик намуналарини кўрсатишди. Бурчга содиқлик ҳақида гап кетганда кўпгина ҳуқуқ-тартибот ходимларининг номлари ҳар доим иззат-ҳурмат билан тилга олинади. Ушбу сатрларни ёзаётиб, улар ҳақида ўқиганларим, эшитганларим беихтиёр ёдга тушади. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси катта тезкор ходими Алишер Қодиров қидирувда бўлган жиноятчини ушлаш пайтида оғир яраланади. Хавфли жиноятчи унинг кўксига ўқ узади, икки марта пичоқ санчади. Оғир яраланганига қарамай Қодиров жиноятчининг қуролини тортиб олиб, ҳамкасблари етиб келгунга қадар уни тутиб туради. Юнусобод тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув тезкор вакили Абибулла Қорабоев ҳам ана шундай жасорат кўрсатди.

Андижонлик милиция сержанти Муҳаммаджон Алимбеков қуролланган жиноятчилар гуруҳи билан олишувда ҳалок бўлди. Жиззахлик милиция ходими Алишер Аюпов жон тикиш эвазига ўнлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолди. Наманганлик милиция катта лейтенанти Мухторжон Муродов, милиция майори Эсонбой Пайғамбаров, урганчлик милиция кичик сержанти Қутлимурод Рўзметовлар ҳам эл осойишталиги йўлида жонларини фидо этишди.

Бундай мисолларни ҳар бир вилоятдан келтириш мумкин. Ана шундай жасоратли, виждонли йигитларни ёдга олиб ё кўриб турганингда бу касб эгалари ҳақида ножўя гап эшитсанг оғринасан, киши. Начора, қанчалик аччиқ бўлмасин ҳуқуқ-тартибот идоралари шаънига доғ тушираётган, иснод келтираётганлар учраб турганлигини тан олишдан чўчимаслик керак. Нафақат тан олмоқ, айни чоғда бунинг сабаблари ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоқ зарур.

АЙБСИЗ «АЙБДОР»ЛАР

...Агар ҳуқуқ посбонлари содир этган қуйидаги жиноятлар тўғрисида одамлардан эшитганимда сира ишонмаган бўлардим. Лекин уларнинг жиноятлари Республика прокуратураси ва Олий суди ҳужжатларида қайд этилган, далиллар билан исботланган. Ўқисанг, вужудингни титроқ босади.

...Тунда Қарши туманидаги Дашт қишлоғида яшовчи Парҳод Турсунов уйида босқинчилик содир бўлди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи Сайиджон Файзиев, ички ишлар бўлими терговчиси А. Лутфуллаев, жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи Н. Ҳайдаров ва бошқалардан иборат тезкор тергов-қидирув гуруҳи ташкил этилди.

Раҳбарлар кўзига яхши кўриниш, ташаккур-у, раҳматлар эшитиш, мукофот олиш иштиёқида ёнган С. Файзиев ва унинг шогирдлари ўзаро тил бириктириб, жиноятни тезлик билан очиш «режаси»ни тузишади. Жиноятга мутлақо алоқаси йўқ, ҳатто гумонсирашга ҳам асос бўлмаган фуқаро Файзулла Мусаевни ушлаб келишади. «Биз ҳаммасини биламиз, яхшиликча бўйнингга ол», — дея уни роса дўппослашади. Охири, масалани кўндаланг қўйишади:

— Айтганларимизни қилсанг, тирик қоласан, бўлмаса бу ердан чиқмайсан!

Жисмоний ва руҳий қийноққа чидай олмаган Мусаев ўзига алоқаси бўлмаган жиноятни бўйнига олади. Бу етмаганидек, кимларга қарши қандай кўрсатма беришни унга милиция ходимларининг ўзлари ўргатишади. Улар муқаддам ўғрилик учун судланган Ўрин Тоиров ва Бойбўри Ашуровни мўлжалга олишади. Ҳар ҳолда, қамалиб чиққанларга нимани ёпиштирсанг, ишонишаверишади-да. Бош терговчи Бовмирза Жалилов: «Ўшаларга юкласанг, ўзингга яхши бўлади. Гапга кирмасанг, камерага олиб кириб, жиноятчилар қўлига топшираман...» — деб уни қўрқитади. Иложсиз қолган Мусаев бош терговчи айтиб турган гапларни ёзиб беради. Аёвсиз дўппосланган Ў. Тоиров ҳам сохта кўрсатма беришга мажбур бўлади. Б. Ашуров эса терговчилар талабини бажаришдан қатъий бош тортади. Уни уриб, ҳақоратлашади. Аламига чидай олмаган Б. Ашуров стол устидаги чойнакни олиб, қайноқ чойни ўз устидан қуюб юборади. Бу С. Файзиев ва Н. Ҳайдаровга яхши баҳона бўлади. Улар ўз жиноий ниятларини амалга ошириш учун дарҳол акт тузишади: «Ашуров Б. саволларга жавоб беришдан бош тортди, чойнакнинг чойини деворга сепиб юбориб, ички ишлар бўлимига моддий зарар етказди...» Дарҳол маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси расмийлаштирилади. Қарши тумани суди Ашуровга «15 сутка» қамоқ жазоси беради. Энди бемалол ҳақоратлаш, қийнаш, хўрлайвериш мумкин. Руҳий ва жисмоний азобларга бардош бера олмаган Ашуров терговчилар талаб қилган сохта кўргазмаларни беришга мажбур бўлади.

Тергов материаллари худди рисоладагидек тўқилади. «Айбдорлар» ўз айбларига «иқрор» бўлишди. Ички ишлар бўлими бошлиғи оғзи қулоғига етиб, юқорига тантановор ахборот берди. Қарши туман халқ суди ҳукми билан мутлақ айбсиз бўлган уч нафар фуқаро — Б. Ашуров 11 йилга, У. Тоиров 9 йилга, Ф. Мусаев 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бегуноҳ одамлар қийноққа солинаётган, улар устидан суд жараёни кетаётган пайтда ҳақиқий жиноятчилар озодликда ялло қилиб юришарди.

Шу орада Қарши туманида навбатдаги оғир жиноят содир этилди. Фуқаро Шуҳрат Худойбердиевни ўлдириб, енгил машинасини олиб кетишди.

Қарши тумани прокуратураси терговчиси А. Ортиқов, туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлинмаси тезкор вакили Т. Пармонов ва бошқалардан иборат тергов-тезкор гуруҳи тузилди. Суриштирув жараёнида фуқаро Омон Шодиев ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида жазо ўтаб юрган пайтларида унинг рафиқаси К. Назарова билан марҳум Шуҳрат Худойбердиев ўртасида жанжал бўлганлиги аниқланади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи Н. Ҳайдаров, вилоят прокуратураси бош терговчиси С. Раҳимов, туман ички ишлар бўлими вакиллари Т. Пармонов, Н. Холов, Ў. Асқаров, Э. Очиловлар бир хил хулосага келишади: демак, О. Шодиев қамоқдан қайтгач, ўч олиш мақсадида Шуҳратни ўлдирган. Бу хулоса уларнинг миясида тўнкага қоқилган михдек ўрнашиб қолади. Бошқа тахмину гумонлар ҳеч кимни қизиқтирмайди. Тўғриғи, улар учун асосийси-ҳақиқий жиноятчини топиш эмас, балки ўзларига юклатилган вазифани қандай бўлмасин тезроқ «бажарилди!» қилиб кўрсатиш эди. Улар ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан очиқдан-очиқ четга чиқиб, К. Назаровани вилоят ички ишлар бошқармасига олиб келишиб, эрига қарши сохта кўрсатмалар беришга мажбурлашади. Тезкор қидирув гуруҳи унга нисбатан ҳам тажрибадан ўтган усулни қўллайди: «К. Назарова милиция ходимларининг қонуний талабига бўйсинмади ва ҳақорат қилди», деган сохта ҳужжат тайёрлаб, уни Қамаши туман судига топширишади. Суд бегуноҳ аёлга, «етти сутка» маъмурий қамоқ жазоси беради. «Кўрдингми, — дейишади унга тезкор гуруҳ аъзолари, — тақдиринг бизнинг қўлимизда. Хоҳласак, бошингга ит кунини соламиз. Жонинг керак бўлса, биз айтган нарсаларни ёзиб бер».

Сўроқ жисмоний азоб бериш билан қўшиб олиб борилади. Охири уни эркак жиноятчилар ётган камерага қамаб қўйиш билан қўрқитишади. Ўз тақдири қонун қўлида эмас, балки ана шу хоҳиллар чангалида эканлиги, булар ҳар қандай пасткашликдан қайтмасликларига кўзи етган Назарова сохта кўрсатма беради. Унинг эри Омон Шодиевни ҳам шаҳар ички ишлар бўлимига олиб келишади. Аёвсиз дўппосланган, қўрқитилган Шодиев сўроқ қилувчилар хоҳлаган нарсани ёзиб беради. Унинг кўрсатмаси асосида Убайдулла Собиров ҳам жаҳолат гирдобига тортилади. У бўҳтонни тан олмайди. Тезкор қидирув гуруҳи «Милиция ходимларининг қонуний талабига бўйсинмади», деган айб билан унга ҳам Қарши туман судидан «7 сутка» маъмурий қамоқ жазоси ундиришади. Ана шундан сўнг қийноқ, ҳақоратлаш шу қадар ваҳимали тус оладики, иложсиз қолган Собиров кимлардир қилган қотилликни ўз бўйнига олади.

Тезкор гуруҳ яна бир айбсиз одам — Нусратилло Худойбердиевни ҳам «айбига иқрор» қилади. Бегуноҳ кишилар суддан адолат кутишганди.

Афсуски, суд прокуратурага қарши боришга чўчидими, лоқайдлик қилдими, ҳар ҳолда, тергов хулосаси бўйича ҳукм чиқарди. Мутлақо айбсиз бўлган Шодиев, Собиров ва Худойбердиев қасддан одам ўлдирганликда айбланиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Тезкор жиноят қидирув гуруҳи ва унинг раҳбарлари эса жиноятни тезкорлик билан «очганлари»дан оғизлари қулоғида эди. Ҳақиқий жиноятчилар ҳам улардан кам қувонишмаётганди.

Ҳар икки жиноят иши бўйича асоссиз қамалганлар, уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларига ўнлаб аризалар ёзишди. Лекин сариқ чақалик ҳам фойдаси бўлмади. Агар, ҳақиқий жиноятчилар қўлга тушиб қолмаганида бегуноҳ одамлар умри қамоқда ўтарди. Барно Аҳмедов бошлиқ қуролли гуруҳ аъзолари юқоридаги икки жиноятни ҳам ўзлари қилганликларини айтиб қолишди. Тергов жараёнида буни тасдиқловчи ашёвий далиллар топилди.

Ана шундан сўнг бегуноҳ одамлар қамоқдан озод этилиб, тезкор-қидирув гуруҳлари аъзолари устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ушбу тергов иши тарихи билан танишиб бир нарсага ҳайрон қолдим. Тергов жараёни сунъий равишда узоқ муддат чўзилган. Милиция ходимлари жиноят содир этганликлари равшан бўлсада, улар устидан хизмат либослари ечиб олинмаган. Лоақал терговга ва жабрланувчиларга ҳурмат юзасидан уларни вақтинчалик ишдан четлаштирмаганлар...

Бунга сабаб битта: вилоятдагилар жиноятчи ҳуқуқ посбонларини имкон қадар жазодан қутқариб қолиш ниятида бўлишган. Республика прокуратураси махсус гуруҳининг одилона ҳаракати билан милиция ходимлари қамоққа олинишди. Яна савол туғилади: вилоят ички ишлар бошқармаси ва прокуратураси нега жиноятчиларни ўз ҳимоясига олмоқчи бўлди? Асосий айбдорлардан бири бўлган жиноят қидирув ходими Холов тергов остида юрганида нега вазифадан вазифага тайинланди? Жиноий жавобгарликка тортилиши аниқ бўлиб қолгач, раҳбарият уни ишдан бўшатиш ўрнига нега имижимида қарор чиқариб, қўшни Тожикистон республикасига ўтказиб юборди. Хуллас...

«Мундир шаъни» муқаддас тушунча албатта. Лекин уни жиноятни бекитиш ҳисобига улуғлаб бўлмайди.

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИНИНГ ҲУКМИ?!

Қашқадарёдаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда Республика Олий суди бу ишни кўришни Навоий вилоят судига топширди. Судда собиқ «қонун посбонлари» бегуноҳ одамларни асоссиз қамоққа олиб, уларга нисбатан ўта ваҳшийлик билан тергов ишларини олиб борганликлари исботланди. Суд давомида жабрдийдалар кўнглидан «Худога шукр, ҳақиқат бор экан», деган сўзлар такрор-такрор ўтгани, улар қалбида адолатга яна ишонч уғқунлари пайдо бўла бошлаганига ишончим комил. Ҳужжатлар билан танишаётиб, менинг кўнглимдан ҳам ана шундай фикр ўтганди. Аммо вилоят суди ҳукмини ўқиб, ҳайратга тушдим. Саиджон Файзиев 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум этилган. Амнистия қўлланиб жазо ўташ муддати бир йил-у етти ой қолдирилган. Бойқуловга уч йил олти ой жазо белгиланган. Унга ҳам амнистия қўлланиб, бир йил-у етти ой қамоқ жазоси қолдирилган. Бошқа жиноятчиларнинг ҳаммасига нисбатан амнистия қўлланилиб, улар қамоқдан озод этилган. Қонунчиликдан озгина хабари бор одам ўйланиб қолади. Судланувчиларнинг ҳар бирига бир неча модда бўйича айб қўйилган. Ана шу моддаларга биноан улардан айримлари 6—7 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин эди. Аммо суд 3—5 йил муддат бериш билан чегараланган.

Суднинг бу қарори тагида қандай мақсад ётибди? Судланувчиларга раҳмдилликми, ҳамкасбларни қўллаб юборишми? Ахир, бу қарор ноҳақ ҳибсга олиниб, даҳшатли қийноқларга солинган бегуноҳ одамларга нисбатан адолатсизлик эмасми? Қолаверса, одил судлов нуфузига путур етказмайдими? Суд маслаҳати пайтида қонун посбонларининг бу жиноятлари оддий жиноят эмас, балки ўта иҗтимоий хавфли жиноят сифатида баҳоланмоги керак эмасмиди? Бундай жиноятларга юзаки қараш нопок шахсларда «жиноятдан қутулиш учун ҳар қандай шароитда йўл топилади», деган фикрни кучайтирмайдими, қонунга нисбатан беписандликка олиб келмайдими?

Агар, суд улар содир этган жиноятнинг оғир оқибатларини ҳисобга олиб жазо белгилаганида, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари бу жиноятга ўта «фавқулодда ҳодиса» сифатида қараб, жиддий хулоса чиқарганида эҳтимол навбатдаги жиноят содир этилмасди. Афсуски, кўп ўтмай Шаҳрисабзда янада даҳшатлироқ жиноят рўй берди.

ТЕРГОВЧИЛАР КАШФ ЭТГАН «ЖИНОЯТ»

...1996 йилнинг 22 март куни Шаҳрисабз туманидаги А. Хушвақтов номли жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи Қашқадарёнинг ирмоғидан номаълум шахснинг ялангоч ҳолдаги жасади топилди.

Тергов гуруҳи ҳақиқатни аниқлаш ўрнига бу жиноятни қандай бўлмасин тезроқ бегуноҳ Аширова бўйнига илишга қарор қилади. Бундай хулосага тўла асосимиз бор. Биринчидан, жасад Аҳмад Сайидмуродовники эмаслигини унинг укаси Амир Сафаров ва бошқа қариндошлари ҳам айтади.

Тергов давом этаётган пайтда қўни—қўшнилар Аҳмад тириклиги, уни Тошкентда, Тюменда кўрганлар борлигини айтишганда бу хабарни текшириш ўрнига гувоҳларни ҳам қамаб, қийнаб, қўрқитиб, тавбаларига таянтиришади. Ҳибсга олинган Ҳидоят Ашированинг прокуратурада, ички ишлар бўлимининг вақтинчалик сақлаш ҳибсхонасида бошига солинган жисмоний қийноқларни ёзишга қўл бормайди.

Тафсилотларга берилмай айтадиган бўлсак, қийноқ ва тазйиқлардан юрагини олдириб қўйган Ҳидоят ҳатто етти ухлаб тушига кирмаган ишни бўйнига олади. Терговчилар тўқиган жиноят тафсилотларига имзо қўяди. Гўё у жиянлари Азим ва Аҳад Шариповлар билан биргаликда эрини ўлдирган!

Тергов жараёнида ака-ука Азим ва Аҳад дўзах азобини бошларидан кечиришади. Бу орада уларнинг қариндош-уруғларидан яна бир неча киши асоссиз равишда ҳибсда сақланади. Ниҳоят, жаҳолат ботқоғига ботган тезкор тергов гуруҳи ўзининг жирканч ниятига етади. Бегуноҳ уч киши қасддан қотиллик қилганликларига «иқрор» бўлишади. Олдинда уларни олий жазо кутарди.

Тергов охирлаб бораётган пайтда Аҳмаднинг маҳалладоши Тоғаймурод Қурбонов Тошкентдан келиб қолади. Тоғаймурод пойтахтда Аҳмадни учратгани, у Тюменга тижорат ниятида кетганлиги, уйига қўнғироқ қилиб туша олмаганлигини айтади. Бу хабарни текшириш ўрнига терговчи гувоҳни ҳақоратлайди. Уни 6 кун ички ишлар бўлимида сақлаб, гапидан тондиргач, қўйиб юборишади. Шариповлар оиласи қариндошларидан бири Азиз Баратовни Тюменга жўнатишади. Азиз Аҳмадни тополмайди. Лекин кўрганлар, бирга бўлганларнинг сўзларини видеокассетага ёзиб келиб, вилоят прокуратурасига кўрсатади. Вилоятдагилар видеокассетани туман прокуратурасига жўнатишади. Бу далил ҳам инобатга олинмайди. Бегуноҳ одамларни туҳматдан, қамоқдан, ўлимдан қутқазишнинг ягона йўли — қандай бўлмасин Аҳмадни топиб келиш эди. Қариндош-уруғлар мол-мулкларини сотиб, пул йиғиб Азизни иккинчи марта Тюменга жўнатишади.

Шаҳрисабз ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан ишончсизлик шу даражага етгандики, Азиз Аҳмадни топиб, Шаҳрисабзга олиб келгач, аввал маҳаллани тўплаб Аҳмад тириклигини кўрсатади. Бу ҳолатни видеотасвирга туширади. Сўнгра қариндош-уруғлар йиғилишиб, Аҳмадни вилоят прокуратурасига олиб боришади. Ўша куниёқ ҳибсдагилар озод этилади. Афсуски, бу пайтда Ҳидоят эрини таниш даражасида ҳам эмасди. Ярим жон бўлиб қолган аёл ва соғлиғини йўқотган икки йигит дарҳол касалхонага ётқизилади. Тергов-қидирув аъзолари устидан эса жиноий иш қўзғатилди. Республика прокуратураси тергов бошқармаси ходимлари ишни чуқур ўрганиб чиқишди. Шаҳрисабз туман прокуратураси терговчиси Ғофир Ҳакимов, ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлим бошлиғи Эргашали Зокиров, туман ички ишлар бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Сайфиддин Ҳайдаров, жиноят қидирув бўлими тезкор вакили Маҳмасоат Жўраев, жиноят қидирув бўлими ходими Музаффар Авлаев, туман ички ишлар бўлими вақтинчалик сақлаш ҳибсхонаси бошлиғи Ҳабибулла Юсупов, ички ишлар бўлими участка вакили Норпўлат Ҳусанов, туманлараро суд-тиббиёт экспертиза бўлими бошлиғи Ғулом Ёқубов, туман прокурори Ҳасан Эштемиров, вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ходимлари Бўрон Бўриев, Холбозор Хуррамовлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳукми билан мол-мулки мусодара қилиниб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Тергов жараёнида энг оғир жиноятни содир этганлардан бири — вилоят ички ишлар бошқармаси ходими Холбозор Ортиқов эса жазодан қочиб юрибди.

ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИ

Жабрдийдаларнинг аризалари, тергов ва суд ҳужжатларини ўрганаётиб хаёлга ғужғон саволлар келади: **ўзлари қонун посбонлари бўла туриб, бундай жиноятларга қўл уришга қандай журъат этишдийкин? Виждонлари қийналмадими? Жазодан қўрқишмаганми?**

Ҳеч нарса бирданига чиримайди. Қашқадарё ҳуқуқ—тартибот идоралари ходимлари орасида қонунни писанд қилмаслик касали бугун пайдо бўлгани йўқ, албатта. Мисолни узоққа бормай Шаҳрисабзда фаолият кўрсатган тезкор тергов гуруҳидан келтира қолай. Унинг аъзоларидан бири Қ.Ортиқов муқаддам икки марта ишдан ҳайдалган ва ҳар икки ҳолатда ҳам қайта тиклангани. Нега ҳайдалган ва нега тиклангани, орага кимлар тушгани бизга қоронғу. Лекин у содир этган жиноятни ўрганиб, бекорга ҳайдалмаган ва бекорга тикланмаган экан-да, деган хаёлга борасан. Таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, порахўрлик Ортиқовга ўхшаганларни ҳуқуқ-тартибот идораларига етаклаб келган. Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, қабилида иш юритиш, назорат ва талабчанликнинг йўқлиги ички ишлар тизимида «ҳар ким ўзига хон, қўланкаси майдон»лик кайфиятини юзага келтирган. Қинғир иш қилаётган ходим кетида суянчиғи борлигини ўйлаб жазодан чўчимаган.

Кейинги икки ярим йилда вилоят бўйича ички ишлар ходимларидан 200 нафардан зиёди ишдан ҳайдалган. Уларнинг бир қисми жиноий жавобгарликка тортилган. Ана шу рақамнинг ўзиёқ кишини сергак торттиради.

Ҳозир кимлардир ўз хаёлида «айбдорлар жазоланди, ҳамма билди, эшитди, етадида энди», деб ўйлаётган бўлиши мумкин. Айнан ана шундай фикрлар, ҳуқуқ-тартибот идораларини матбуот танқиди доирасидан четда ушлаб туриш истаклари иллатлар илдизи сақланиб қолишига хизмат қиляпти. Қашқадарё вилоятида содир этилган юқоридаги мудҳиш жиноят сабабларини чуқур ўрганадиган бўлсак, масала анча жиддий эканлигига амин бўламиз. Бугун қамоқда ўтирган собиқ «қонун посбонлари» шахсий варақаларини кўздан кечириб, ана шундай хулосага келаман. Улар, асосан, Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети ва Тошкент ўрта махсус милиция мактаби ҳамда Олий милиция мактабини тугатишган. Диплом-ку бор, аммо уларнинг билими диплом бопмиди? Бир мисол. Ғофир Ҳакимов 1981 йилда Қарши педагогика институти тарих-жамиятшунослик факультетини тугатган, атиги бир йил мактабда ўқитувчилик қилган. Сўнгра Муборак туман матлубот жамияти ва Муборак туманлараро савдо базасида юрист бўлиб ишлаган. 1988 йилда Тошкент Давлат юридик институти сиртқи бўлимига ўқишга кириб, 1994 йилда тамомлаган. Унинг синов қайдномасида 36 та фандан 33 таси «қониқарли» баҳоланган. Нимадир бўлиб 3 та «яхши» баҳо ҳам олган. Сиртдан ўқиган студентнинг «3» баҳоси домланинг садақаси эканлиги сир эмас. Ана шундай ночор билимга эга бўлган Ҳакимов қўлига диплом берилади, яъни унга одамлар тақдири ишониб топширилади.

Сайфиддин Ҳайдаров ҳам сиртдан ўқиган. У аввал Тошкент Маданият институтини, сўнгра Ички ишлар вазирлигининг ўрта махсус мактабини тугатган...

Шу ўринда яна бир савол хаёлга келади. Улар бу касбга нега қизиқишдийкин? Адолат учун кураш, инсонлар ҳуқуқини ҳимоя этиш учунми ёки одамлар устидан ҳукм юритишга қизиқиш сабаблими? Охиргиси ҳақиқатга яқинроқ, албатта.

Амаллаб диплом олган чаласавод, нопок юристлардан нимани ҳам кутиш мумкин? Бундайларнинг фаолияти қачондир фожиа билан якунланиши муқаррар. Лекин уларга диплом берган олий ўқув юртлари домлалари ўша пайтда бу ҳақда ўйлашни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Тўғри, бошқа корхоналарга ўхшаб улар зиммасига ҳам «сифатсиз маҳсулотлари» учун ҳуқуқий жавобгарлик юклатилмаган. Аммо маънавий жавобгарлик-чи?..

МУАММОНИНГ ИККИНЧИ ЖИҲАТИ

Яна бир савол ҳақида ўйлашга тўғри келади. Тергов пайтида одамларга руҳий ва жисмоний таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мумкинмиди? Мумкин эди. Агар жабрланганлар ҳибсга олинган дастлабки кунларданоқ адвокат ёлланганида. Биринчидан, адвокат уларга юридик йўлланма берарди. Иккинчидан, жиноятчиликда айбланаётган шахслар айтаётган важлар вақтида текшириб кўрилишини талаб қиларди. Учинчидан, терговчилар адвокат кўз ўнгида маҳбусларга руҳий ва жисмоний таъсир кўрсата олишмасди. Тўртинчидан, охир-оқибатда адвокатлар нафақат бегуноҳ одамларни, айни чоғда бугун қамоқда ўтирган тергов гуруҳи аъзоларини ҳам жиноят йўлидан қайтариб, жазодан асраб қолган бўлишарди.

Бу гапларга тергов тизимида ишлайдиганлар «ҳар бир шахс адвокат олиши мумкинлиги қонунда кўрсатилган-ку» дея эътироз билдиришлари мумкин. Тўғри, қонунда бу қайд этилган. Аммо, назаримда, унинг давомида «адвокат иштирокисиз дастлабки терговни олиб бориш маън этилади» деган сўзлар етишмаётганга ўхшайди. Бу ҳол эса терговчиларга қонун доирасидан четга чиқиб, ҳибсга олинган кишини уч-тўрт кун орасида чиғириқдан ўтказиш имконини беради.

Тергов аслида ҳам осон иш эмас. Инсон тақдирини ҳал этишдан кўра нозик ва мураккаб иш йўқ. Адвокат билан терговчи ўртасида баҳс, мунозара бўлиши табиий. Лекин терговчи саводли, маҳоратли бўлса жиноятни барибир исботлайди. Фақат зулм ҳисобига эмас, инкор этиб бўлмас далиллар ҳисобига.

Ғайриқонуний тергов усули ҳақидаги суд ҳужжатлари билан танишаётиб, хаёл кечаги мустабидлик кунларига кетиб қолаверади. Халқимиз бошига оғир мусибатларни солган Берия, Гдлян, Иванов, Гайданов, Дидоренколар терговнинг ана шундай раҳмсиз усулини қурол қилиб олганларини эслайсан киши. Улар-ку бегона эдилар... Наҳотки энди ўзимизнинг терговчилар ўз юртдошлари, жигаргўшаларига шунчалик зулм ўтказишса!..

Мустабидлик даврида қатағонлардан эзилиб келган, инсоний ҳуқуқлари, қадр-қимматлари топталган халқимизнинг юрак-бағри қонга, аламга тўлган эди. Шунинг учун ҳам мустақил мамлакатимизда илк қадамлар ватандошларимиз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя этишдан бошланди. Истиқлолимизнинг дастлабки қонунлари инсон ҳуқуқлари ҳақида бўлди. Инсон ташвишлари ҳақиқий маънода давлат ташвишига айланди. Энди юртимизнинг ҳар бир фуқароси эминэркин, кўксини баланд кўтариб яшамоғи керак. Бу эркинликни мустақил республикамиз Конституцияси кафолатлаб берган.

Мақолани ёзиб тугатаяпману, бир савол ҳадеб хаёлимда айланаверади: юқоридаги жиноятлар содир этилмаслиги мумкинмиди?

Мумкин эди. Агар жабрланувчилар ўз ҳуқуқларини билганларида, агар милиция ва прокуратура ходимларида ҳуқуқ маданияти етарли бўлганида, агар жиноят процессуал кодексига оғишмай амал қилинганида, агар масъул ва мансабдор ходимлар ўз вазифаларига виждонан ёндошганларида... Ана шуларнинг етишмаслиги, лоқайдлик қонунга беписандликка олиб келаяпти. Қонунга нисбатан беписандлик тергов пайтида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини паймол этмоқда. Фуқароларнинг яшаш жойига рухсатсиз кириб, тинтув ўтказиш, ҳар эҳтимолга қарши гиёҳванд модда ёки патрон ташлаб қўйиш, асоссиз қамоққа олиш, ғайриқонуний тергов усулини қўллаб иқрорлик кўргазмасини олиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки давлатга, тузумга нисбатан ҳам ишончсизлик, норозилик кайфиятини уйғотади. Энг катта фожеа ана шунда.

Жиноятчиликка қарши кураш усулида собиқ иттифоқдан қолган бир иллат ҳамон яшаб келмоқда. Рақамларни ҳисоб-китоб қилиш, жиноятчиларни жазолаш билан хотиржам бўлишга ўрганиб қолганмиз. Жиноятчиликнинг ўзигагина қарши курашиш билан жиноят илдизини қуритиб бўлмайди. Энг аввало жиноятни келтириб чиқараётган муҳитни йўқотмоқ керак. Масалан, Қашқадарёда ҳуқуқ-тартибот ходимларидан анчаси жазоланди. Лекин узоқ йиллар давомида шаклланган муҳит, ходимлар психологиясидаги масъулиятсизлик сақланиб қолди-ку. Бу бирданига ўзгармайди ҳам.

Яқинда Президентимиз инсон ҳуқуқи ҳимоясига масъул идоралар, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда бу масалага эътиборни яна бир бор жиддий қаратди.

Халқимизнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданиятини ошириш, унинг демократик ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш борасида муҳим вазифалар ўртага қўйилди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига нега бунчалик катта эътибор бериляпти?

Биринчидан, ҳар бир киши ўзини эркин сезганда, иззат-ҳурмати жойига қўйилганлиги, ҳуқуқлари мустаҳкам ҳимояланганлигини ҳис қилгандагина мустақилликка меҳри ошади, унинг кучига ишонади. Уни ҳимоя этишга тайёр туради. Иккинчидан, ҳуқуқий ислоҳотлар маънавий-маърифий ислоҳотларнинг, умумислоҳотларнинг таркибий қисмидир. Учинчидан, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтирмай демократик давлат қуриб бўлмайди.

Ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши эса қонунга ҳурмат ва қонун олдида жавобгарликни ҳис этишга боғлиқ. Фуқаролар қачон қонунни ҳурмат қилади, унга ишонади? Қачонки, қонун посбонлари тўғри ишласа, адолат жаҳолатдан устун турса. Акс ҳолда... хоҳлаймизми, йўқми халқ барибир ҳаётга қараб хулоса чиқаради. Минг гапдан кўра биргина адолатли мисолнинг таъсири кучли. Президентимиз таъкидлаганидек, **«Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт».**

Бу сўзлар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи идораларнинг ҳар бир ходими онги ва юрагига сингиб кетмаса, ҳуқуқий демократик давлатнинг устунлари мустаҳкам бўлолмайди.

Сафар ОСТОНОВ.

4 5 6

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Россия ҳукумати Калининград вилояти мудофаасини кучайтириш тараддудида, дея баёнот берди Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Иван Рибкин минтақага қилган сафари ниҳоясида.

* * *

20 нафардан ортиқ киши Хитойда юз берган сув тошқинида қурбон бўлди.

* * *

Россия Президенти Борис Ельцин Россия Федерациясининг Буюк Британия ва Эрондаги янги элчиларини тайинлади.

* * *

Ёсир Арофатнинг расмий вакили тасдиқлашича, Исроил фаластинликлар билан тинчлик музокараларини тиклаш мақсадида Қуддусда яҳудийлар учун турар жой бинолари қуришни тўхтатишга розилик берган.

* * *

Хорватия Президенти Франьо Тужман бўлажак сайлов олдидан Шарқий Словенияга бориб қайтди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

15 йил чўзилган суд терговидан сўнг Алабама штати суди Ку-клукс-клан ташкилоти аъзоларидан бири Генри Френсис Хейсинни бундан 15 йил аввал қора танли усмирни ўлдирганликда айбли санаб, ўлим жазосига маҳкум этди, дея ёзади «Вашингтон пост» газетаси. Мақола муаллифининг ёзишича, суд кейинги 84 йилда биринчи марта шундай ҳукм чиқарган. Мақола сўнггида Хейсининг шериги Жеймс Новел умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилгани ёзилган.

* * *

«Санди Таймс» газетаси маълумотига кўра, Британия олимларининг тадқиқотлари ошқозон раки касаллиги билан оғриган беморларнинг ҳар учтадан биттаси нотўғри овқатланиш туфайли шундай касалликка чалинганини исботлайди. Олимларнинг фикрича, тез озиш учун парҳезга зўр бериш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бунда ошқозон раки касаллиги пайдо бўлиши мумкин. Айниқса, парҳез даврида гўшт истеъмол қилишдан тийилиб, мева ва полиз маҳсулотлари истеъмол қилган маъқулроқ.

ТОКИО КЎЧАЛАРИДА. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Мустақиллик юксалишлари

УЛКАН КОРХОНАНИНГ АЛП ОДИМЛАРИ

(Навоийдаги Ўзбекистон — Испания цемент заводи фаолияти ҳақида).

Навқирон Навоий вилоятини том маънода мустақил республикамизнинг таянч нуқталаридан бири, дейиш мумкин. Бу ўринда биз вилоятнинг ҳудудий жиҳатдан кенглиги ёки ер ости ва усти бойликларига ўта сероблигини назарда тутяпмиз. Бундан ташқари мазкур вилоят саноат қўлами жиҳатидан ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Айни пайтда Навоийда 17 та давлат аҳамиятига молик бўлган йирик корхоналар мавжуд. Биргина ишлаб чиқариш қуввати ва аҳамияти жиҳатидан нафақат республикада, балки Ҳамдўстлик мамлакатлари, қолаверса, хорижда танилган цемент заводи хусусида тўхталадиган бўлсак, ушбу корхона ҳозир 20 ёшга тўлди. Унинг дастлабки цех ва печлари, илк цемент ишлаб чиқарган даври 1977 йил июнь ойига тўғри келади. Ўшанда йилига бор-йўғи 150 минг тонна атрофида цемент тайёрланган, холос. Эндиликда бу корхонада йилига 3 миллион тоннага яқин қурилиш «уни» ишлаб чиқариш мумкин. Бундан йигирма йил муқаддам заводда атиги 150 киши меҳнат қилган бўлса, ҳозир уларнинг сони 1700дан ошиб кетди. Гап фақат корхонанинг қуйдириш печлари ва ишчилари сони ортганида эмас, албатта. Энг муҳими, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва сифатининг яхшиланишидир. Корхонанинг ташкилий ва таркибий йилларида цементнинг сифат даражаси у қадар талабга жавоб бермасада, эндиликда асосий маҳсулот жаҳон андозалари даражасида ўта сифатли қилиб тайёрланмоқда. Бу эса шартномачи ва харидорнинг кўпайишига имкон яратмоқда.

Тўғри, ҳақиқатдан кўз юмиш қийин. Собиқ Иттифоқ тарқалгач, мазкур завод ҳам бир муддат инқирозга юз тутди. Чунки, корхона учун нон билан сувдек зарур бўлган асосий хом ашё ресурслари Россия, Украина, Белоруссия каби мамлакатлардан келарди. Иттифоқ чок-чокидан сўкилгач хомашё тақчиллиги юз берди. Натижада айрим цех ва печларни тўхтатишга тўғри келди.

Хуллас, улкан корхона муаммолар гирдобига тушиб қолди. Мустақил юртимизда истиқлол тантана қилиб, Ўзбекистонга ишонч билан қаровчи сармоядорлар, хорижий ишбилармонлар назари тушгач, калаванинг учи топилди. Қарабсизки, атиги 2 йил ичида цемент заводи учун ҳамкор, ҳамжиҳатликда ишлаш истагида бўлган чет эл фирма ва компаниялари кўпайди. Бу ўринда испаниялик цементсозларнинг ташрифи ва вилоятга бўлган қизиқишини қайд этиш жоиздир. Уларнинг амалий кўмаги ва сармояси туфайли цемент заводи тез фурсатда оёққа турди ва жаҳон талаблари даражасидаги цемент ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олади. Энг қувончлиси, бу испанияликлар маслаҳати ва амалий ёрдами билан мавжуд учта қуйдириш печлари ва ўнлаб цехлар замонавий асбоб-ускуна ҳамда чет эл технологияси билан жиҳозлантирилмоқда. Бундан ташқари цемент таркиби, унинг пишиқ-пухталигини оширишда ҳамкорлик қўл келаяпти. Узоқ йиллар завод жамоаси учун орзу бўлиб келган цементни қадоқлаб, махсус килограммлик қопларда ихчам қилиб сотиш тажрибаси йўлга қўйилди. Ўтган йили 161 минг тонна, жорий йилнинг ўтган 5 ойида эса 80 минг тонна қадоқланган цемент савдога чиқарилди. Бу сингари махсус идишли цементлар ҳозир республикамизнинг Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент вилоятларидаги 30 дан ортиқ савдо дўконларида сотиляпти. Бугунги кунга келиб Навоий ва Бухоро шаҳарларида ҳам янги цемент савдоси дўконлари ишга туширилди.

— Цементимизнинг бу каби харидоргир бўлиб кетишига асосий сабаб сифатнинг асосий мезон бўлиб қолаётганидир, — дейди корхона раҳбари Ўктам Газетдинов. — Бунинг устига испанлар билан ҳамкорликда корхонани очиқ турдаги «Қизилқумцемент» қўшма корхонасига айлантиришимиз муваффақиятларимизни янада оширди. Яна бир муҳим жиҳати бу — илгари четдан ташиб келтирилган цементбоп хом ашёнинг ўзимизда топилганидир. Қўшма корхона яқинида, яъни Маликчўл сарҳадларида катта заҳирага эга бўлган туффит кони топилди-ю, ишимиз юришиб кетди.

Дарвоқе, Ўктам Аббосович таъкидлаганича бор. Хорижликлар билан амалий ҳамкорлик мазкур корхонани алп, салобатли одимлар ташлашга бошлади. Демак, у бугунги иқтисодий истиқболни, чинакам сармояни белгилаб берди. Бир қатор кадрлар хорижий мамлакатларда бўлишиб, соҳа мутахассислиги бўйича катта тажриба тўплаб қайтишди. Бунга мисол қилиб, жамият бошқаруви раиси Турғун Тошпўлатов, бош муҳандис Бахтиёр Ражабов, ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Баҳриддин Назаров, цемент тегирмонлари машинистлари — Ойдин Ёрлақабов, Абдурасул Норқобиловларни кўрсатиш мумкин. Бу сингари малакали мутахассис-кадрлар кўмаги билан қўшма корхонада қатор хайрли ишлар амалга оширилаётганлиги эътиборлидир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Олам ўзгаришлари

НИКОЛСОН СОТҚИНЛИК ҚИЛДИ

Гарольд Жеймс Николсоннинг ўзи таъкидлаб ўтганидек, у 1994 йилнинг июнь ойидан бошлаб чет эл разведкаси учун ишлай бошлади. У худди ўша пайтда хотини билан ажрашганди. Учта бола эса Николсонга қолганди. Шу боис у сотқинлик қилишга мажбур бўлганди. Авваллари Николсон қатор мамлакатларда жойлашиб олиб, разведка учун ишларди. Ва ана шу идоранинг ҳурматли вакилларидан бири эди.

Тергов натижалари шуни кўрсатдики, Николсон ўз раҳбари билан тўрт марта учрашгандан сўнг 200 минг доллар соф фойда олган. Бироқ Гарольднинг иқрор бўлишича, унга сотқинлиги учун 300 минг доллар тўлашган экан. Федерал қидирув бюроси ва Марказий разведка бошқармасида унинг миллий хавфсизликка катта зарар етказганлиги маълум қилинди. Бироқ федерал прокурор Роберт Честнат тергов органлари билан ҳалол ҳамкорлик қилганлиги учун Никольсонга бериладиган умрбод қамоқ жазосини 23 йилу 7 ойгача қисқартиришни таклиф қилди. Жиноятчининг адвокати Жонатан Шапиро эса жазони 21 йилу 10 ойга туширишни таклиф этди.

Ўтган пайшанба куни Александриядаги федерал судда Николсонга нисбатан ҳукм чиқарилди. Судья Качервис адвокатнинг фикрига қўшилмади. У прокурорнинг нутқи асосида 46 ёшли судланувчига камида 24 йиллик қамоқ жазоси берилишини айтди.

ИККИТА ҚЎПОРУВЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Венецияда кичик хусусий фирма эгаси Эрнико Корелла ва унинг қариндоши Массимилиано Маркетти ҳибсга олинди. Уларнинг ҳар иккаласи билиб туриб машҳур Венеция театри «Ла Феничего» ўтган йил 29 январь куни ўт қўйганликда айбланаётирлар. Ёнғиннинг кучи шу даражада бўлдики, ўт ўчирувчиларнинг ғайрат-шижоатларига қарамай театрнинг устунлари ағдарилиб тушди. Қоровуллардан бирининг таъкидлашича, ёнғин пайтида Корелла театрнинг томида юрган экан. Хўш, сиз у ерда нима қилаётган эдингиз, деган саволга Корелла шундай деб жавоб берди: «Тўғридаги хонадонда ечинаётган аёлни кузатаётгандим». Мана буни ҳақиқий трагикомедия, деса бўлади.

ЎЗБЕК ТАОМЛАРИ ПАРИЖНИ ЗАБТ ЭТАДИ

Франция пойтахти Парижда—ЮНЕСКО қароргоҳида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Бухоро ва Хеванинг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Шарқ дурдоналари ҳисобланмиш ушбу шаҳарлар юбилейига бағишланган бу тантаналар доирасида ўзбек халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси ташкил этилиб, таниқли санъаткорлар ижросида концерт намойиш қилинади ҳамда «Буюк ипак йўли» томошаси кўрсатилади. Тантаналар давомида серқуёш Ўзбекистонимизда тайёрланаётган турли таомлар ҳам намойиш этилади. Хўш, Парижда бутун дунёдан келган меҳмонларга нималар тақдим этилади? Бу ҳақда пойтахтимиздаги «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш мажмуи раҳбари Ўткир ДАМИНОВ қуйидагича ҳикоя қилади.

— Авваламбор шуни айтиб ўтиш керакки, ўзбек таомлари йилдан-йилга дунё ҳамжамияти вакилларига манзур бўлиб бормоқда. Шу боис ҳам Парижга келган кўплаб меҳмонларга тўкин дастурхон ёзиш ниятимиз бор. Ўзбекнинг миллий таоми — палов тайёрланади. Машҳур ошпазимиз Фатҳулла Ҳикматов дошқозонларда ош дамлаб, меҳмонларга улашади. Ундан ташқари моҳир пазандалардан Карим Усмонов, Мирсобит Қосимов ҳам Парижга борадилар. Улар «Наврўз» ресторанининг қўли ширин ошпазларидир. Қадимий Эллада фарзанди Стерегадис Ахилас Костас эса ўзбек таомларини тайёрлаш борасида устаси фаранг.

Энди дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унинг асосий қисмини ўзимизнинг миллий усулимизда тайёрланган таомлар ташкил этади. Масалан, парранда ва бузоқ гўштидан тайёрланган турли ўрамалар, қазиқарта ва бошқа неъматлар меҳмонларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. «Лаззат», «Олтин куз» сингари аччиқ-чучуклар ҳам дастурхонга қўйилади. Айниқса, иссиқ овқатлардан сомса, палов, шўрва ҳамда бошқа таомлар тантанавор усулда тайёрланади.

Байрам дастурхонига қадимий шарқ ширинликлари — новвот, пашмак, парварда, ҳолва, бундан ташқари майиз, туршак, хандон писта, бодом, тозаланган ёнғоқлар ҳам тортилади. Тантаналар давомида Ўзбекистоннинг кенг боғ-роғларида етиштирилган ширин-шакар сархил мевалар ҳам қўйилади.

Дастурхонга серқуёш ўлкамизнинг қуёшидан баҳра олиб етилган узумлардан тайёрланган вино маҳсулотлари ҳам тортилади. Масалан, «Олтин фаввора», «Ўзбекистон» шампанлари, «Наманган садафи», «Гулоб», «Жилвон», «Сижжак» сингари винолар, олий навли «Ўзбекистон», «Самарқанд» коньяклари, «Тошкент», «Ўзбекистон» арақлари, «Тошкент минерал суви», «Кока-кола», «Анор шарбати» барчага манзур бўлишига ишончимиз комил.

Жамоамиз аъзолари ушбу йирик тадбирда муносиб иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўришди. Бинобарин мустақил давлатимизнинг шон-шуҳратини янада ошириш ниятидаги ҳаракатларимиз зое кетмайди, деб ўйлаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ суҳбатлашди.

БИРИНЧИ РАҚАМЛИ ЎЙИНЧИ

Америка Қўшма Штатларининг миллий баскетбол уюшмаси дунёдаги энг кучли баскетбол лигаларидан бири ҳисобланади. Баскетбол Америкада шу даражада оммавийлашганки, ҳатто машҳур баскетболчилар салкам миллий қаҳрамон даражасига кўтарилган пайтлар ҳам бўлган.

Айни пайтда «Чикаго булаз» жамоаси ўйинчиси Майкл Жордан ҳам ана шундай ўйинчилар сирасига киради. «Учар Жордан» лақабини олган 34 ёшли бу ўйинчи айни пайтда ўз фаолиятининг юқори чўққисига чиққан. «Чикаго сан таймс» газетаси унинг юлдузи дарров сўниб қолмасмикан, деган савол билан бир гуруҳ мутахассисларга мурожаат этди. Суровда қатнашганларнинг барчаси Майкл Жордан яна камида беш йил уюшманинг биринчи рақамли ўйинчиси бўлиб қолишини таъкидлашган.

Турфа одам...

ТИШ ЎҒРИСИДАН САҚЛАНИНГ

Одамнинг оғзидаги тишини ҳам ўғрилаб бўларканми?

Ўғриласа бўларкан. Бунинг учун сал бошни «қотирса» бўлди экан. Бемалол бировнинг тишини «қоқиб» олаверасиз.

Голландиялик қайсидир «ишбилармон» шундай йўл билан анчагина ул-буллик ҳам бўп қопти. Ҳозирча унинг кимлигини ҳеч ким билмайди. Ҳатто полициячилар ҳам бош қашиб турибди. «Ғалати ўғрилар» ҳаш-паш дегунча 40 та одамнинг тишини, аниқроғи тиш қопламасини ўмариб кетишди. Уларнинг йўқолган ясама тишлари бўлса тўсатдан руминлар «оғзига» ўтиб қоляпти. Яъни румин бозорларида сотиляпти. Сотиб олган одам ё уни ўзининг ёки бошқа бировнинг оғзига қайтадан тиш қилиб «қўяди»-да. Нима жабрланувчилар ўғрига оғзини очиб берарканми, деб ўйлашингиз мумкин. Йўқ, ўз қўли билан «суғуриб» топширяркан. Бир тўда фирибгарлар жабрланувчига аввалига телефон орқали: «Биз ясама тиш тайёрлаш компаниясиданмиз! Ўта тез муддатда тиш ясаб берамиз», дея маълум қилади. Нархни ҳам арзонроқ айтади. Келишилган вақтда, истаган металл ёки бошқа қопламадан кўнгилдагидек тиш ясаб беради. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандек силлиқ битгач, яна қўнғироқ қилиб: «Тишингизни махсус шу халтачага солиб бир соатга беринг. Охирги кўрикдан ўтказайлик» деб «курьер» келиб олиб кетади. Ва буюртмачи унинг орқасидан ўрадек ўпирилган оғзини очганча қолаверади.

У оғзини ёпганда «тиши» аллақачон узоқдаги румин бозорида пулланаётган бўлади...

Шунақасиям бўларкан. Оғзингизни ҳуда-беҳудага «очаверманг». Ўзингизнинг соғлом 32 тишингиз бўлса, ҳеч хавотирли жойи йўқ. Фақат ясама, қоплама тишларни «маҳкам» тишлаган маъқул, шекилли. Ҳозирча голландлар шу чора билан чекланиб туришибди.

ПОЕЗДЛАР ОЙНАЛАРИ АЛМАШТИРИЛАДИ

Поездларга тарбиясиз болаларнинг тош отиши ва ойналарини синдириш ҳоллари тез-тез учраб туриши ҳаммамизга маълум. Бу муаммо Америкада ҳам йўқ эмас экан. Бироқ бизнинг мутахассисларимиз қаттиқ, синмайдиган ойна яратиш устида бош қотиришаётган бўлса, АҚШ олимлари эса юмшоқ ойна яратиш устида иш олиб боришмоқда. Негаки, охирги вақтларда Қўшма Штатларда бир неча бор поездлар ҳалокати содир бўлган, яъни ёнғин чиққан ва бу ўз навбатида одамлар қурбон бўлишига олиб келган.

Экспертларнинг фикрича, одамлар қурбон бўлишига биринчи сабаб поезд ойналарининг қаттиқ ва пишиқлиги экан, яъни ёнғин чиққан пайтда одамлар ойналарни синдира олишмаган. Қайд қилинган ҳодисаларнинг барчасида шу ҳолга дуч келинган. Шу важдан бир қатор фирмаларнинг мутахассислари ўтган йил охиридан бошлаб поезд деразалари учун махсус юмшоқ ойна яратиш ниятида иш бошлаган ва бу ишни келгуси йил ўрталаригача якунлашни, аниқроғи, юзлаб поезд ойналарини алмаштиришга қарор қилишган. Тўғри, темир йўл компаниялари учун бу чиқим кўплаб сарф-харажатларни талаб этади, аммо инсон ҳаёти ва саломатлиги бу сарф-харажатлардан қимматлироқдир, дейишмоқда мутахассислар.

...турфа олам

БУРЧАК — ИНСОН ДУШМАНИ...

Ҳа, худди шундай. Ўйларимиздаги бурчаклар инсон саломатлиги учун хавфли экан. Буни канадалик олимлар айтишмоқда. Уларнинг таъкидлашларича, Узоқ Шарқ аҳолиси, Марказий Африкадаги аборигенлар, Америкадаги ҳиндулар ва бошқа айрим «қолоқ» деб юритилаётган қабилалар қон босими, руҳий хасталик неврастения (тез чарчаш, озиб кетиш, жиззакилик ва бош оғриғи билан характерланадиган асабий касаллик) билан оғриш нималигини, ҳатто бу касалликлар қандайлигини билишмайди. Бунга сабаб биргина факт, у ҳам бўлса, улар яшаш жойининг — ҳужра, кулба, чайла ва утовларининг «маданиятли» деб аталмиш халқларникидек тўртбурчак шаклда эмас, балки юмалоқ шаклдалиги, яъни бурчакларнинг йўқлиги экан.

Тиббиет мутахассисларининг айтишига қараганда, айнан шу бурчаклар юқорида саналган хасталиклардан ташқари инсульт ва инфаркта ҳам сабаб бўларкан. Шимол ва Жануб, Ғарб ва Шарқни ҳисобга олиб уйларни шундай қуриш керакки, пировардида бурчакларнинг юрак қон-томир тизимига таъсирини камайтирган бўласиз, дейишмоқда.

ҚАҲВА ИЧИШГА ҲАҚҚИМИЗ БОРМИ?

Италиялик хат иши билан банд бир гуруҳ ишчилар намойиш уюштиришди. Чунки мамлакатдаги янги қонунга кўра иш вақтидаги баъзи «дам олиш», «қаҳва ичиш» вақтлари бекор қилинганди.

Ишчилар эса ўз талабларида қатъий туришди: қаҳва ичишга ҳаққимиз бор! Намойишчилар, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги хат иши билан шуғулланувчиларга яратилган шароитни ҳам таъкидлаб ўтишди. Айтайлик, Неаполда бир ярим соатлик тушликдан ташқари, ораликда чекиш ва қаҳва ичиш учун 10 дақиқалик танаффус бор, дейишди улар.

Шундан сўнг қонун чиқарувчилар намойишчилар талабини инобатга олиш учун уларнинг иш соатларини қайта кўриб чиқдилар. Айниқланишича... ишчилар 8 соатлик иш кунининг 3 соатида ишлаб, қолган 5 соатида «чигил ёзди» қилишаркан.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 10-iyun, seshanba № 67 (22.151).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАРДАН

Абдулла Қаҳҳор бизнинг талабалик йилларимизда ўзбек адабиётининг холис баҳо берувчиси эди. У худди Ойбек, Ғафур Ғуломга ўхшаб ёзда оқ, сариқ ё оч ҳаворанг шимни ўша пайт модасида қориндан юқорига чиқариб оларди. Кўйлаги ҳам енги калта бўлиб, яхши дазмолланган, озода эди. Кулганда, аниқроғи табассум қилганда ё жилмайганда ёнидагиатрофидаги одамларга эътиборли бўлиб, ҳеч кимни назардан қочирмасликка интиларди.

Университет АКТ (мажлислар) залида учрашув чоғида ҳам у ўзининг ана шу самимиятини йўқотмасликка, иложи борича талабаларга меҳрибон нигоҳ ташлашга ҳаракат қилар, жиддийлиги фақат кўзларини катта-роқ очгандагина сезилиб қоларди.

«Тобутдан товуш» («Сўнгги нусхалар») пьесаси муҳокама қилинаётганда Санжар Содиқ деган кўзлари ожиз талабанинг сўз сўрагани унга жуда ғалати, кутилмаган ҳол бўлиб туюлди. Талабани кимдир етаклаб кафедрага олиб чиқди. «Бу ожиз талаба саҳна асари ҳақида нима ҳам дейиши мумкин? Ахир фақат эшитгани ҳақида гапирадида?» - деб хиёл кўнглидан ўтказган бўлиши мумкин устоз! Чунки ҳаммамизнинг нигоҳимиз — Абдулла Қаҳҳорнинг юз ўзгаришию ўткир кўзларида эди.

Талаба гапни кўп чўзмай, аммо жарангдор, тиниқ овозда пьесанинг бир жойида саҳнага қаҳрамоннинг шимсиз чиққанини танқид қилди. Абдулла ака шу заҳоти бу ҳам «Одатдаги риторик нутқлардан бири бўлса керак-да» деган фикридан бирдан воз кечиб, кўзойнагини тақди-да, ён дафтарига тез-тез нималарнидир (турган гапки, Санжар Содиқнинг танқидий мулоҳазаларини) ёза бошлади.

Ва ажабки, учрашув охирида сўзлаган нутқида фақат шу талаба энг ҳаққоний фикр айтганини таъкидлади!

Биз, талабалар ўзимизни қизиқтирган саволларни биринкетин бера бошладик.

— Ҳозирги ёзувчилар ичида кимларни тилга олишни истардингиз?

— Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодировни. Одилнинг «Муқаддас»и ҳам, Пиримқулнинг «Уч илдизи» ҳам талабалар олий ўқув юрти, яъни сизларнинг ҳаётингиз ҳақида. Яхши асарлар. Фақат Одил китобхонлар илтимосига қараб охирини ўзгартиргани чакки бўлди. Пиримқул эса, — деди сўнг мийиғида унга қараб, — мулоҳазали, оғир босиқ ёзувчию фақат русча ўйлаб ўзбекча ёзади.

— Асқад Мухтор-чи?

— У ўзи «Қани энди менда Ойбекнинг тили бўлсайди» дейди.

Шундан сўнг тилимизнинг мусаффолигини сақлаш ҳақида оташин, ҳар бир сўзи чертиб-чертиб айтилган қаҳҳорча нутқ эшитдик.

...Илгариги 1-Май (ҳозирги Амир Темур) кўчасида жойлашган Ёзувчилар уюшмасига «Қанотлар» қиссамни янги олиб борган кезларим эди. Вестибюлда турсак, бирдан эшикдан Абдулла Қаҳҳор кириб келди. Дарров ўзимизни четга олдик. Қўл қовуштириб турибмиз. У саломга алик оламан, деб ёнидан ўтиб кетаётган Ўлмас Умарбековни танимади. Саломлашиб бўлгач, ортига қайрилди-да, Ўлмас Умарбеков билан кўришаётиб:.

— Узр, узр. Танимабман. Адабий бой бўласиз — деди. Ўлмас ака Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев, Неъмат Аминов каби ёш носирлар тенгдоши эди.

Бошқа куни «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятида ўтирсак (Носир Фозилов «Қанотлар»им ҳақида фикрлашаётган палла эди), бирдан кимдир «Сизни Абдулла ака чақиряптилар»деб кириб қолди. Носир ака жуда тез қайтиб келди:

— Студент! Уч сўмингиз борми?

— Йўқ эди, — дедим хижолатдан. (Ростданам трамвай уч тийин эди, автобус — беш тийин, кўпинча чўнтакда чақа бўларди!)

— Нимайди?

— Абдуллакам уч сўм сўраяптилар, — бадтар хижолат чекдим. Қани, ўн сўмим бўлсаю ўртоқларимга шуни мақтаниб юрсам. Абдулла Қаҳҳорнинг машинани ўзи миниб келишини эшитгандим.

1

СОҲИР ҚАЛАМИДАН НУР ТОМГАН ОЛИМ

Эҳтиром

Қадимги ҳинд эпоси «Маҳобҳорот» достонида «Кенг дунёни тор қилган нима?» деган саволга «Жаҳолат» деб жавоб берилган экан. Агар шу саволнинг акси сўраладиган бўлса, жавоб мантиқан шундай бўлиши мумкин: «Оламни одамлар кўзига ёруғ этгувчи нарса — маърифатдир!»

Қирқ уч йилдирки, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори, ЎзФА мухбир аъзоси Ботирхон Валихўжаев ўзбек адабиёти тарихи фанидан дорилфунун талабаларига таҳсил беради, фан тараққиёти учун тинмай меҳнат қилади, бебаҳо асарлар яратади.

Олим ўзининг илмий ва мураббийлик фаолиятини эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошлади. 1958 йилда у «XV-XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан» мавзуида номзодлик ва 1968 йилда «Ўзбек адабиётида эпик поэзия тараққиёти тарихидан» мавзуида докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан сўнг олимнинг ўзбек адабиёти тарихи фанида, хусусан, навоийшунослик илмида ҳар бири бир катта воқеа бўлган асарлари юзага келди. Бу борадаги энг охирги маълумотлардан: олимнинг «Хожа Аҳрори Вали» рисоласи 1996 йилда Теҳронда нашр этилди, Кембридж университети эса олимнинг мақолалари учун ўз журнали саҳифаларидан жой ажратилганлиги ҳақида махсус хат орқали хабар берди.

Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб Хожа Аҳрори Вали каби инсонпарвар, ислом тарғиботчиси, зукко сиёсий арбоб фаолияти ҳақидаги тарихий ҳақиқат илмий ёритила бошланди. Бу фаолиятнинг энг изчил ва сермаҳсул тадқиқотчиси Б. Валихўжаев бўлди.

Унинг китобларида Хожа Аҳрор шахси ўзининг янги қирралари билан намоён бўлади. Амир Темур вафотидан кейин темурийзода подшоҳ ва шаҳзодалар даврида давом этган жаҳоний шон-шуҳрат, беҳисоб мол-давлат маънавий таянчга, зукко раҳнамога муҳтож эдилар. Хожа Аҳрор эса тарих саҳнасига ана шундай хислатларга эга бўлган шахс сифатида чиқди. Хожа Аҳрор Вали — ўз даврининг маънавий талаби, файласуфлар тили билан айтганда тарихий зарурат эди.

Яқинда дорилфунун қошидаги иқтидорли болалар гимназиясида ташкил этилган «Шеърият базми»да иштирок этган олим ёшларга бир мақолни мисол келтирди: «Илм бу дунёда иззат келтиради, охиратда эса шарафга эриштиради». Назаримда, биз замондошлар шу мақолнинг тасдиғини Ботир Валихўжаев тимсолида идрок қилаётирмиз.

Р. ОРЗИБЕКОВ,
М. МУҲИТДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги СамДУ ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси ўқитувчилари.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Виктор ЗВЕРЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

— Машиналари бор-у? — деб сўрадим Носир акадан оҳиста.

— Битта-яримта автоинспектор союз олдида тўхтатган бўлса керак-да, шунга... — деганича яна югуриб чиқиб кетди...

Қайтиб кирганди:

— Топдингизми? — дедим.

— Ҳа, биттасидан аранг топдим. Менда бир сўм пул йўғу, сиз, студентда пул, нима қилсин, шуниям ўйламабман.

Ёзувчи ва журналист Муроджон Мансуров билан бир хонада ишлардик. Асқад Мухторнинг «Ёш дўстларимга» китоби энди чиққан кезлар...

— Сиз ҳақингизда ҳам борми? — деб сўраб қолди у.

— Ҳа, «Қанотлар» ҳақида ўша республика йиғилишида айтган яхши гапларини ҳам киритибди. Мулоҳазалари ҳам бор.

— Мен ҳақимда нима дедди?

— Сизнинг «Райҳон» қиссангизга тўхталган. Асосан танқидий фикрлар...

— Нималар деган?

— Тажрибасиз қаламда бу муҳим, ватанпарварлик мавзуси қиёмига етмаган дебди. — Мана, «Тарас Бульба», «Уфқ»да тажрибали, устоз ёзувчилар қаламида у ҳақиқий ватанпарварлик мавзусига айланган, дебди.

— «Райҳон»ни, — деди ҳамкасбим фикрида қатъий тургандек, — дастлаб, Абдулла Қаҳҳорга кўрсатганман.

Бу менга янгилик бўлди. Чунки устоз ёзувчи билан ўша пайтда ҳар бир ёш учрашишни орзу қиларди. Унга қандайдир ҳавасим келди.

— Нималар деган?

— Яхши, деган. Фақат сарлавҳаси бўлмайди, ўзгартиринг, «Шишакўз» деб қўйинг. Қисса мазмун — моҳияти шунга мос.

— Яхши сарлавҳа айтган экан. Урушдан қочган одамга жуда мос сарлавҳа.

— Йўқ, мен ўзини қолдирганман. Кейин журналга бердим. Редактор бошқа одам эди, қисса теришга тушиб кетганди...

Орадан қанча ниҳоллар ўсиб, соя соладиган бўлди. Абдулла Қаҳҳорнинг яхши топган сарлавҳаси ҳавода қолмасин, деб ҳам устоз ёзувчимизнинг руҳларини шод этиш мақсадида янги қиссамнинг номини «Шишакўз» деб қўйдим. Шу билан худди асаримга Абдулла Қаҳҳор сарлавҳа қўйгандек бошим кўкда!

Ҳақиқий, улкан истеъдоднинг асарларигина эмас, айтган сўзлари ҳам асло ерда қолмас экан.

Ҳамид ИКРОМОВ.

2

ГРАФ ҲАВАС ҚИЛГАН ХАЗИНА

Бедор руҳ

...«Туркистон ҳаваскор археологлар тўгараги»нинг навбатдаги йиғилиши 1907 йилнинг 12 декабрида округ вобитлар саройида бўлиб ўтди. Йиғилиш ўн соатдан ортиқроқ чўзилса-да, унда иштирок этаётган олимлар чарчаш, зерикиш нималигини билмадилар. Йиғилишни Туркистон генерал губернаторининг маърифат ва маданият ишлари бўйича бош мутахассиси Н. П. Остроумов олиб борди.

Аввало, бу «тўгарак» ҳақда икки оғиз сўз. Гарчи, атамасида «ҳаваскор» сўзи бўлсада, уни жўнгина тўгарак деб бўлмасди. Ташқаридан оддий-беозор кўринган тўгаракда Чор Русиясининг энг ишонган кишилари, Фанлар академиясининг аъзолари, йирик мутахассис-олимлар иштирок этишарди. Бу тўгаракни аслида ўлкамизнинг узоқ, бой тарихи, туб аҳолининг қадриятлари, сон-саноқсиз бойликлари, бебаҳо меросларни топиш ва ўзиники қилиб олишга жазм қилган бир гуруҳ «очофатлар тўгараги» деб атасак тўғри бўлади.

«Тўгарак»да доимо фаолият кўрсатганлар орасида ўз даврининг кўзга кўринган олимлари И. Т. Павловский, Н. И. Веселовский, К. А. Иностранцев, А. А. Половцев, А. Д. Калмиков, И. А. Беляев, А. А. Диваев, О. П. Егоров, Н. П. Остроумов ҳамда императорнинг Шарқ масалалари бўйича махфий маслаҳатчиси Николай Султонов ва бошқа аслзодалар бор эдилар.

Зобитлар уйида бўлиб ўтган йиғилишда йирик ҳарбий бошлиқлар, таниқли олимлар иштирок этишди. Мажлис нега узоқ чўзилди? Қайси масала босқинчиларни шу қадар ўзига ром қилиб қўйди?

Ўша пайтларда хориж матбуотида «Амударё хазинаси» ҳақида бир-бирига қарамақарши мақолалар чоп этилди. Унинг миқдори, қиймати ҳақида шов-шувлар кўтарилди.

Хўш, «Амударё хазинаси» нима? 1877 йилнинг эрта баҳорида Самарқанддан Афғонистонга йўл олган уч савдогар Самарқанд — Қундуз йўлида Амударёдан кечиб ўтиш пайтида қирғоқда сочилиб ётган тилло ва кумуш буюмларни кўриб қолишади. Савдогарлар бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, топилган барча хазинани туяларга ортиб, шу яқиндаги Тахтакавод қўрғонига йўл соладилар. Тунаш учун тўхталган кечада қишлоқ кексалари билан суҳбатда маълум бўладики, бундай қимматбаҳо буюмлар ҳар бир хонадонда бор экан. Савдогарлар қишлоқ аҳлидан барча қимматбаҳо буюмларни арзон-гаров харид қилиб, йўлни Ҳиндистонга буришади.

Тақдирни қарангки, Пешавор яқинида карвонга қароқчилар ҳужум қилишади. Хазина қўлдан чиқади. Иложсиз қолган карвонбоши бу ҳақда инглиз чегара соқчилари бошлиғи капитан А. Буртонга мурожаат қилади. Капитан буйруғи билан бир гуруҳ аскарлар қароқчиларнинг изидан тушиб, уларни Карочи шаҳригача қувиб боришади, қисқа жангда хазинанинг бир бўлаги аскарлар қўлига ўтади. Буртон буюмларнинг учдан бирисини карвонбошига қайтиб беради...

Мазкур хазина ҳақида эшитган Карочи шаҳри ҳокими В. Франк туркистонлик савдогарлардан тилло, кумуш буюмларни сотиб олиб, уларни Лондонга — Британия музейига юборади.

Қароқчилар қўлида қолган қисмининг эса кейинги тақдири номаълум.

«Амударё хазинаси» тақдир тақозоси билан Британия музейининг ноёб мулкига айланди.

Мутлақо тасодиф дарё кечувидан топилган (эҳтиётсизлик туфайли тунда кечувда йўқотилган бўлиши ҳам мумкин) бойлик чет элларда катта шов-шув уйғотгани бежиз эмас. Юртимиз ўз бойликлари, тарихий осори-атиқалари билан ҳамма даврларда хорижликларнинг кўзларини ўйнатган.

1937-77 йилларда фаолият кўрсатган Хоразм тарих ва этнография экспедицияси раҳбарлари С. П. Толстов, Е. Неразик, А. Виноградов, Я. Ғуломов, А. Асқаров, Т. Қиличев, А. Собировлар томонидан излаб топилган бебаҳо топилмалар ҳозирда Лондон, Париж, Санкт-Петербург, Москва музейларини бойитиб тургани ҳам факт.

Комилжон НУРЖОН,
«Олтин мерос» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси.

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтдаги ёш томошабинлар театрига 380 дан ортиқ мактаб ўқувчилари ва болалар уйлари тарбияланувчиларини таклиф қилди. Бу ерда болалар «Қулоқ солмовчилар байрами» деб номланган мусиқий балет театрини катта ҳаяжон ва қувонч билан томоша қилдилар.

Ихтиёр РАСУЛОВ.

«Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталарининг ҳисоб рақамлари қўшилганлиги муносабати билан «Осиё бозори» газетасининг ҳисоб рақами ёпилади.

3

«ЧЕЛЕНЖЕР» СОҲИБАЛАРИ

Тошкентда бир ҳафтадан кўпроқ давом этган аёллар ўртасидаги «Челенжер» халқаро мусобақаси ўзига хос байрам тусини олди. Қарийб 26 мамлакатдан келган моҳир теннисчилар совринли ўринларга даъвогарлик қилишди. Юртдошларимиздан Ирода Тулаганова, Наташа Никитина, Лилия Биктяковалар асосий баҳсларда иштирок этиб, маҳорат синовидан ўтдилар. Биринчи ўрин учун кураш эса қизғин ва муросасиз давом этди. Ўтган шанба куни жуфтликлар ўртасида ғолиблар аниқланди. Мусобақа бошиданоқ ташаббус билан ҳаракат қилган Эрика Де Лоне (АҚШ) билан Никол Пратнинг (Австрия) финал баҳсида қўллари баланд келди. Эртаси куни эса яккама—якка баҳсни финалгача муваффақиятли давом эттирган мексикалик Анжелика Гавалдон халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Унга мусобақа низомига кўра, 8 минг 800 АҚШ доллари миқдорида мукофот тақдим этилди. «Челенжер»нинг жуфтликлар бўйича соҳибаларига 3 минг доллардан насиб этди. Мусобақа юртимизда теннисни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ЁШУ ҚАРИ МАЙДОНДА

Футбол

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши юртимизда тўп ўйинининг янада оммавий тус олиши, турар жойлар, маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналарию қишлоқларда ёшларнинг футболга янада қизиқишини оширишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Албатта футбол спорт турлари ичида энг севимлиси ҳисобланади. Каттадир-кичикдир футбол, деганда бир маънони уқийди. У ёғини сўрасангиз, мамлакатда футболнинг ўзига хос тарихи ва анъаналари бор. Ана шундай қадриятларни улуғлаш йўлида саъй- ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида чемпион бўлишимиз футболимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қолди.

Футбол қишлоқ хўжалиги мутахассислари тарбияланадиган бизнинг институтда ҳам қадрланади. Спорт секциялари ичида футболга меҳр қўйганлар сафи кенгаймоқда. Шарт-шароитлар етарли. Спорт-техника базаси мавжуд. Мини-футбол майдончалари, қишки спорт залларида халқаро мусобақалар ўтказса ҳам бўлади. Яна бир қулайлиги шундаки, институтимиз яқинида самолётсозларга қарашли «Старт» ўйингоҳи бўлиб, талабаларимиз бундай имкониятдан яхши фойдаланадилар. Бунинг устига Тошкент давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчи-олимлари ҳам ҳамиша бизга ҳайрихоҳлик қиладилар.

Шу йил қизиқарли мини-футбол баҳси ташкил этилди. Республика футбол фахрийлари, юртимиздаги чет эл элчихоналари ходимлари иштирокида ўтказилган мусобақа ўзига хос халқаро даража олди, дейиш мумкин. Ўзбекистон футбол федерацияси, республика давлат аппарати ходимлари, «Пахтакор» футбол жамоаси фахрийлари ва институтимиз профессор-ўқитувчиларидан иборат жамоалар майдонга тушдилар. Мусобақа низомига кўра ёши 40 дан ошмаган ўйинчи жамоага қабул қилинди. Мухлислар бир вақтлар «Пахтакор» номини шарафлаган Виталий Суюнов, Вилгельм Қаҳҳоров, Вячеслав Солохо, Аҳрол Иноятов, Николай Любарцев, Рустам Акрамов, Аҳмад Убайдуллаев каби ўйинчиларни майдонда кўрдилар. Давлат аппарати ходимлари терма жамоаси таркибида футболимиз раҳнамоларидан бири Алишер Азизхўжаевнинг иштирок этиши ўйинларга ўзига хос руҳ бағишлади.

Олти кун давом этган мусобақада аввалига жамоалар ўзига хос саралаш ўйинларида қатнашдилар. Давлат аппарати ходимлари терма жамоаси бешта ғалаба, битта дурранг натижа билан мусобақа ғолиби бўлди. Институтимиз фахрийлари 13 та очко билан иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин республика футбол федерацияси фахрийларига насиб этди. «Пахтакор» фахрийлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонаси фахрийлари, Германия Федератив Республикаси элчихонаси, Франция элчихонаси фахрийлари қолган ўринларни банд этишди.

Мусобақанинг тантанали ёпилишида республика спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов, футбол федерацияси бош котиби Зокир Қурбонов, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, институтимиз ректори Абдураҳмон Ражабов ва бошқалар мусобақа иштирокчиларини табриклаб, эсдалик совғаларини топширдилар.

Ботир ИБРОҲИМОВ,
Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти доценти.

«ТАМАННО» хусусий фирмаси (муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Сергели тумани солиқ инспекцияси томонидан Климентий Александрович Шек номига берилган №0601229 рақамли патент рухсатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Гентинг Индах»
компаниясининг расмий вакили
хорижий мамлакатлардаги ўқув марказлари, мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари, университетларда ўқишни, шунингдек, сиртқи масофали (дистанционли)
ўқишни таклиф этади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.
Ўқиш учун:
**Билимлар олдиндан чамаланади.*
**Ўқув юртлари, уларнинг ўқитиш соҳалари, шакллари тўғрисидаги маълумотлар берилади.*
**Мослашиш ва бошқа масалалар тўғрисида йўл-йўриқлар кўрсатилади.*
**Ихтисослик ва тил ўрганиш тайёргарлиги синалади.*
**Ҳужжатлар расмийлаштирилади.*

Телефонлар: 680-986, 356-974.
Манзил: Тошкент ш, Оққўрғон кўчаси, 2-уй.
Физкультура институтининг тиллар кафедраси.

Фуқаролар, корхона ва ташкилотлар диққатига
"ЎЗЭЛЕКТРАСБОБСАВДО"
ҳиссадорлик жамияти

Асакада ишлаб чиқарилаётган "НЕКСИЯ", "ДАМАС", "ТИКО" автомобилларини таклиф этади.

Тўлов усули: накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125 -уй.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди —22.30.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА